



Инсон Ва ҚОНУН

www.hudud24.uz

2022-йил 20 сентябрь
сешанба
№ 36 (1344)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

hudud24
Endi 24 soat siz bilan

Энг сўнги хабарлар
Хуқуқий маълумотлар
Тахлилий мақолалар
Мурожаатга жавоблар

буларнинг барчасини
ўзингиз култан
сайтада кузатинг

САМАРҚАНД САММИТИ ЯКУНИДА САЛМОҚЛИ ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ ИМЗОЛАНДИ

16 сентябрь куни Самарқанд шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси бўлиб ўтди.

САММИТДА ШХТ фаолиятининг муҳим соҳаларидаги ҳамкорлик ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг Самарқанд декларацияси тadbирнинг бош якуний ҳужжати бўлди.

Жами 44 та ҳужжат – битим, концепция, дастурлар ва бошқа қарорлар қабул қилинди. Бу ташкилот тарихида рекорд кўрсаткичдир. Жумладан:

- ШХТга аъзо давлатларнинг узоқ муддатли яхши қўшнчилиги, дўстлиги ва ҳамкорлиги тўғрисидаги шартнома қридаларини 2023-2027 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс ҳаракатлар режаси тўғрисида;
- ШХТга аъзо давлатларнинг ўзаро боғлиқликни ривожлантириш ва самарали транспорт йўлаklarини яратиш бўйича концепцияси тўғрисида;
- “ШХТнинг ээгу ният элчиси” фахрий унвони тўғрисидаги низом тўғрисида;

- ШХТга аъзо давлатларнинг ўзаро ҳисоб-китобларида миллий валюталар улушини босқичма-босқич ошириш бўйича “йўл харитаси” тўғрисида;
- Эроннинг ШХТга аъзо давлат макomini олиш учун мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзолангани тўғрисида;
- Беларусь Республикасини ШХТ аъзолигига қабул қилиш жараёнини бошлаш тўғрисида;
- Мальдив Республикаси, Баҳрайн, Бирлашган Араб Амирликлари, Мьянма Иттифоқи Республикаси, Кувайт Давлатига ШХТнинг мулоқот бўйича шериги макomini бериш тўғрисида;
- Варанаси шаҳрини (Ҳиндистон) 2022-2023 йилларда ШХТнинг туризм ва маданий пойтахти деб эълон қилиш тўғрисида;
- ШХТ котибияти ва Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича БМТ

(ЮНЕСКО) ўртасида меморандумни имзолаш тўғрисида;

- ШХТ Бош котибининг ташкилотнинг ўтган йилги фаолияти ҳамда ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Кенгашининг 2021 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлари ҳақида;
- ШХТ Давлат раҳбарлари кенгаши қарорларининг амал қилишини бекор қилиш тўғрисида;
- ШХТ фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг:

- иқлим ўзгаришига нисбатан жавоб ҳаракатлари тўғрисида;
- ишончли, барқарор ва диверсификациялашган етказиб бериш занжирларини таъминлаш тўғрисида;
- глобал озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида;
- энергетик хавфсизлики таъминлаш тўғрисидаги баёнотлари қабул қилинди.

Бундан ташқари, тadbир доирасида қуйидаги ҳужжатлар имзоланди:

- Эроннинг ШХТга аъзо давлат макomini олиш учун мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум;
- ШХТга аъзо давлатлар ҳуқуматлари ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
- ШХТга аъзо давлатлар ўртасида хизматлар савдоси соҳасидаги ҳамкорликнинг ҳадли асослари;
- ШХТ мамлакатларининг ваколатли органлари ўртасида музей иши соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида меморандум;
- ШХТ мамлакатларининг ваколатли органлари ўртасида ўсимликлар карантини соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
- ШХТ мамлакатларининг қайта

тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорлиги дастури;

- ШХТ мамлакатларини инфратузилмавий ривожлантириш дастури;
- ШХТ мамлакатларининг ишбилармон доиралари ўртасидаги сановат кооперациясини рағбатлантириш дастури;
- Рақамли саводхонликни ривожлантириш бўйича ШХТ дастури;
- ШХТга аъзо давлатларнинг сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича ҳамкорлиги дастури;
- ШХТга аъзо давлатларнинг тиббиёт ташкилотлари ўртасида юқумли касалликларни профилактика қилиш ва даволаш масалаларида ҳамкорлик бўйича “йўл харитаси”;
- ШХТга аъзо давлатлар ўртасида устувор йўналишлардаги илмий-техник ҳамкорлик бўйича ҳаракатлар режаси (2022-2025 йилларда);
- ШХТда минтақа ичидаги савдони ривожлантириш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси;
- ШХТ мамлакатларининг телемедицина соҳасидаги ҳамкорлиги концепцияси;
- ШХТ мамлакатларининг “ақлли” қишлоқ хўжалиги ва агроинновацияларни жорий этиш соҳасидаги ҳамкорлиги концепцияси;
- ШХТ ва Араб давлатлари лигаси котибиятлари ўртасида меморандум;
- ШХТ котибияти ва Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича БМТ (ЮНЕСКО) ўртасида ўзаро англашув тўғрисида меморандум;
- ШХТ котибияти билан Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссия (ЭСКАТО) ўртасида ўзаро англашув тўғрисида меморандум ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

ЎЗА

ФАОЛИЯТ

МАЪЛУМКИ, айна пайтда мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида адлия бўлиmlарининг юридик хизмат кўрсатиш марказлари фаолият юритмоқда. Шунингдек, юридик хизмат кўрсатиладиган давлат идораларининг марказларга юбориладиган ҳужжатлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва қабул қилиш жараёнларини электрон шаклга ўтказувчи "E-huquqshunos" электрон тизими яратилган. Бу эса, иш юритувини тўлиқ рақамлаштириб, ортқча қоғозбозликка барҳам бермоқда.



Сифатли ва профессионал юридик хизмат барчага манзур бўлмоқда

Президентимизнинг 2022 йил 18 мартдаги "Юридик хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятини янада кенгайтириш буйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 1 августдан бошлаб босқичма-босқич юридик хизмат кўрсатиш марказлари томонидан республикадаги юридик хизмати мавжуд бўлмаган давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини, айниқса, ўрта ва кўйи бўғинда ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, уларга сифатли ва профессионал юридик хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Маъмур марказлар томонидан маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ ҳўжалиги, туризм ва маданий мерос, спортни ривожлантириш, оила ва хотин-қизлар бўлиmlлари, давлат солиқ инспекцияси, аҳоли бандлигига қўмаклашиш маркази, давлат умумий ўрта таълим мактаблари, давлат мактабгача таълим ташкилотлари, давлат кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиникаларга юридик хизмат кўрсатилмоқда. Қолаверса, ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, давлат ташкилотларининг мулк ҳамда бошқа ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўз вақтида, ҳар томонлама ва самарали ҳимоя қилиниши таъминланмоқда. Қабул қилинаётган ҳужжатлар лойиҳаларида коррупциявий омиллар бартараф этилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2022-2023 йилларда республиканинг барча туман ва шаҳарларидаги 10 минг 130 та давлат умумий ўрта таълим мактаблари, 2023 йилда 6 минг 379 та давлат мактабгача таълим ташкилотлари, 1 минг 218 та кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиникалари юридик хизмат кўрсатиш марказлари томонидан қамраб олинади.

Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан юртимизда амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган қонунчилик ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятини тушунтириш, жойларда аҳолини ташвишга солувчи ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш, давлат хизматларининг сифатини ошириш, ўз фаолияти юзасидан жамоатчиликка тизимли равишда маълумотлар тақдим этиш масалаларида сезиларли равишда ишлар олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятдаги юридик хизмат кўрсатиш марказларига 175 мингга яқин ҳужжатлар келиб тушган. Шундан 157 минг 320 та ҳужжатга қонунчиликка мувофиқ эканлиги ҳақида ҳуқуқий хулосалар берилди. 14 минг 401 та ҳужжат эса камчиликлари мавжудлиги сабабли рад этилган. Юридик хизмат кўрсатиш марказлари томонидан судгача ҳал этиш юзасидан 423 миллион 242 минг 886 сўмлик талабномалар киритилиб, 127 миллион сўмдан ортқ маблағнинг ундирилишига эришилди. Масалан, Бўстонлик тумани адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш маркази томонидан туман Санитария эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими манфаатини кўзлаб "O'zbekfilm" давлат унитар корхонаси, "Toshkent univertmagi" акциядорлик жамияти, "Ong Bo'stonliq", "Zumrad servis", "Bo'stonliq Plasteks" масъулияти чекланган жамиятларига жами 40 миллион 698 минг сўмлик талабнома киритилиб, шундан 34 миллион 238 минг сўм маблағ ундирилишига эришилди. Тошкент туман адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш маркази томонидан халқ таълими бўлими манфаатини кўзлаб киритилган талабномага асосан эса 111 миллион 738 минг 186 сўмлик маблағ ундириб берилди.

Гулмирза КАРИМОВ,
Тошкент вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ УЧУН ИМТИЁЗЛИ КАРТА

Хукумат қарори (16.09.2022 й. 507-сон) билан Шаҳар йўловчилар транспортида (йўналишли ва йўналишсиз таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи имтиёзли транспорт карталарини бериш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламенти тасдиқланди.

Регламентга мувофиқ, кўйидаги шахсларга имтиёзли транспорт картаси берилади:

1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари жумласидан бўлган ҳарбий хизматчилар;

1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва урушнинг I гуруҳ ногиронига ҳамроҳлик қилувчи шахс;

1941-1945 йиллардаги уруш даврида фронт ортида фидокорона меҳнати ва бенуқсон ҳарбий хизмати учун орден ва медаллар билан тақдирланган шахслар;

Афғонистон Республикасида ва бошқа мамлакатларнинг ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ байналмилалчи жангчилар жумласидан бўлган фуқаролар;

ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва контракт бўйича оддий

аскарлар ҳамда сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчилар;

Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошдан кечирган шахслар;

кўзи ожиз ногиронлар ва кўзи ожиз ногиронга ҳамроҳлик қилувчи шахс.

Имтиёзли транспорт карталарини олиш учун ҳудудий транспорт бошқармаларига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали мурожаат қилинади.

Ваколатли орган аризани 2 иш кунига ўрганиб, имтиёзли карта бериш ёки унинг берилишини рад этиш ҳақида мурожаат қилувчига маълумот юборди.

Давлат хизматини кўрсатганлик учун йғим ундирилмайди, имтиёзли карта чекланмаган муддатга берилади.

Қарорга мувофиқ, имтиёз-



ли транспорт карталарини бериш босқичма-босқич амалга оширилади. Яъни, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида — 2023 йил 1 январдан, республиканинг барча шаҳарларида — 2023 йил 1 майдан берилади.

Эски намунадаги гувоҳнома-лар 2023 йил 1 сентябргача ўз кучини сақлаб қолади.

Муқаддас ҒУЛОМОВА,
фуқаролик ишлари бўйича
Шайхонтохур туманлараро
суди раиси

ФУҚАРОЛАРДАН УЙ-ЖОЙ СОЛИҒИНИ УЧ КАРРА УНДИРИШ ТЎХТАТИЛАДИ



ҲОЗИРДА қонунчиликка мувофиқ ер участкаларидан ҳужжатларсиз ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланиб келаётган фуқаролардан белгиланган солиқ ставкаларининг уч баравари миқдоридан ундириш белгиланган.

Аҳолига қулайлик яратиш ва фуқароларни ижтимоий жиҳатдан қўшимча қўллаб-қувватлаш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳа жамоатчилик муҳокамасига қўйилди.

Унга қўра, 2020 йил 1 январдан 2023 йил 1 июнгача бўлган даврда жисмоний шахслардан, яъни ер участкаларидан ҳужжатларсиз ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланиб келаётган фуқаролардан солиқ ставкаларининг уч баравари миқдоридан солиқларни (Солиқ кодексининг 437-моддаси тўққизинчи қисми) ундириш назарда тутилмоқда.

Қайд этиш керакки, 2020 йил 1 январдан бугунги кунга қадар фуқаролар солиқ ставкасининг уч баравари миқдоридан солиқларни тўлаб келаётган бўлса, кейинчалик тўланган солиқ суммаси Солиқ кодексига мувофиқ қайта ҳисоб-китоб қилиниши белгиланмоқда.

Шу билан бирга, ер участкаларидан ҳужжатларсиз ёки мавжуд ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланиб келаётган фуқаролардан солиқ ундируви эндиликда Солиқ кодексининг 437-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган умумий тартибда амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Фаррух ЖўРАЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

"ЯГОНА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ" ТИЗИМИ НОҚОНУНИЙ ТЕКШИРУВЛАРГА ЧЕК ҚЎЯДИ

"ТАДБИРКОРЛИК субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказишни мувофиқлаштириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, назорат қилувчи органлар томонидан 2022 йил 1 ноябрдан:

■ тадбиркорларни текширишлар "Ягона давлат назорати" ахборот тизимида рўйхатга олинади (рўйхатга олинмаган текширувларни ўтказиш ноқонуний ҳисобланади);

■ текширувларнинг натижалари ҳамда профилактика тадбирлари тўғрисида маълумот тадбирлар тугаган кундан 3 кунда "Ягона давлат назорати" ахборот тизимига киритилади.

"Хавфни таҳлил этиш" тизими натижаларига асосан ўтказиладиган текширувларнинг бошланиши ҳақида тадбиркорлар камида 10 иш кунин олдин хабардор қилинади.

Тадбиркорларнинг илгари текширилган фаолият давридаги предмети ва объекти бўйича қайта текширув ўтказиш ва аввал тақдим этилган ҳужжатларни талаб қилиш мумкин эмас.

Тадбиркорлар назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахсларини қўйидаги ҳолларда текширув ўтказиш учун ўз ҳудудига қўймаслик ҳуқуқига эга:

- текширув ўтказиш тўғрисидаги буйруқ расмийлаштирилмаганда;
- текширув тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилмаганда ёки у хабардор этилмаганда;
- текшириш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳнома мавжуд бўлмаганда;
- улар Текширувларни рўйхатга олиш китобига маълумотларни киритишдан бош тортганида.

2023 йил 1 январдан назорат қилувчи органларга "Ягона давлат назорати" ахборот тизимидаги давлат назорати функциялари реестрига киритилмаган функциялар бўйича тадбиркорлар фаолиятида текширувлар ўтказиш тақиқланади.

Шакарбой ҒАЙИБНАЗАРОВ,
"Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази
масъул ходими

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ пенсия ва нафақаларни тайинлашда фуқаролар учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида қабул қилган ҳужжатларида 2021 йил 1 июндан бошлаб, пенсияларни тайинлашда шахснинг иш ҳақи ва меҳнат стажи тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилмаган давр – 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажи шахснинг меҳнат дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар асосида тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмаган ҳолда ҳисобланиши белгилаб қўйилди.

ТОШКЕНТ



Пенсия жамғармаси айрим қарорларини ўзгартиришга мажбур бўлди

Бугунги кунда бюджетдан ташқари пенсия жамғармалари томонидан 2021 йил 1 июндан бошлаб пенсия тайинлашда мавжуд норма талабларидан келиб чиққан ҳолда пенсия тайинланмоқда. Аммо айрим ҳолларда 2005 йил 1 январга қадар бўлган аввалги даврлар учун иш стажи шахснинг меҳнат дафтарчасида қайд этилган бўлса-да, 2021 йил 1 июнь кунига қадар пенсияга чиққан фуқароларга, уларнинг ҳуқуқларини бузган ҳолда қайд этилган даврлар қўшилмасдан ҳисобланганлиги ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Шу муносабат билан, Яққасарой туман адлия бўлими томонидан ижтимоий адолатни ўрнатиш мақсадида туман бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан 2021 йил 1 июнга қадар тайинланган бир қатор пенсионерларнинг иш ҳужжатлари ўрганилиб, пенсия тайинлашда қўшилмаган иш даврини қайта ҳисоб-китоб қилиш бўйича Тошкент туманлараро маъмурий судига даъво аризалари киритилди. Натижада 20 нафар пенсионерга пенсия тайинлаш юзасидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлими томонидан қабул қилинган қарорлар ўзгартирилиб, иш стажига қўшилмаган даврларнинг қўшиб берилиши таъминланди.

Анвар АЛИЯРОВ,
Яққасарой туман адлия бўлими бошлиғи

ЖИЗЗАХ

ФУҚАРО Й. Ёрқулова 2021/2022 ўқув йилида Жиззах давлат педагогика институти магистратурасига тўлов – контракт асосида ўқишга кирган. Контракт маблағининг 25 фоизини тўлаб, ўқув йилининг биринчи ярмини муваффақиятли тамомлаган. Бирок, институт ректорининг 2021 йил 27 октябрдаги буйруғи 1-банди билан тўплаган умумий бали диплом балига асосан 18,85 балл қўшиб ҳисобланган, деган важада унинг магистратурага ўқишга қабул қилинганлиги бекор қилинган.



ТАЛАБА ЎҚИШГА ТИКЛАНДИ

Талабалар сафидан четлаштирилганидан норози бўлган Й. Ёрқулова вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилган. Мурожаатни ўрганиш натижасига кўра, бошқарма томонидан ректорнинг тегишли буйруғини бекор қилиш ва талабани ўқишга тиклаш юзасидан институт маъмурияти номига тақдимнома киритилган бўлса-да, Й. Ёрқулова талабалар сафига тикланмаган.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорининг 3-иловаси 36-бандида талаба олий таълим муассасасидан киритиш имтиҳонларида белгиланган тартибни бузганлиги аниқланган ҳолларда суд қарорига кўра четлаштирилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Шунга кўра, адлия бошқармаси томонидан фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судига институт ректорининг юқоридаги буйруғини бекор қилиб, Й. Ёрқуловани талабалар сафига тиклаш ҳақида даъво аризаси киритилди. Суднинг қарори билан магистратура талабасининг ўқиши тикланди.

Моҳинур РАҲИМОВА,
Жиззах вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

ТОШКЕНТ

ФУҚАРО К.С. Бектемир туманидаги умумий ўрта таълим мактабида ҳарбий қақирққа тайёргарлик раҳбари лавозимида ҳафталик 11 соат дарс машғулотлари олиб борган. Бирок, унга ойлик маош тўланмаган. Бундан норози бўлган фуқаро туман адлия бўлимига мурожаат қилиб, ойлик иш ҳақини ундириб беришда амалий ёрдам сўраган.

Иш ҳақи ундирилди

Ваҳоланки, Халқ таълими вазирининг “Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумтаълим муассасалари ҳамда “Меҳрибонлик уйи”лари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим мактаблари ва айрим фанлар чўқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаблари учун алоҳида лавозимларни киритиш Меъёрлари”нинг 3-бандига мувофиқ ёшларни ватанпарварлик руҳида тайёрлаш бўйича директор ўринбосари – ҳарбий қақирққа тайёргарлик раҳбари лавозими мактаблардаги мавжуд 10-11-синфлар сонидан келиб чиқиб, 1,5 бирликда белгиланиши назарда тутилган.

Ўрганиш натижасига кўра, ҳарбий қақирққа тайёргарлик раҳбари К.С.нинг ойлик иш ҳақини ундириб бериш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан фуқаро К.С.га тўланмаган ойлик иш ҳақи ундириб берилди.

Охунжон ЭШОНҚУЛОВ,
Бектемир туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси

ТОШКЕНТ

Бадаловнинг “бадали” тўлаб берилди



ПАРКЕНТ туманидаги “Самаробод” маҳалласида яшовчи фуқаро А. Бадалов туман Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимида дезинфекция камераси дезинфектори лавозимида ишлаб келган. 2020 йилда тиббий кўрик натижасига кўра аллергия дерматит псориаз таъсири билан III гуруҳ ногиронлик даражаси берилган, ушбу хулосага асосан унга бўлим томонидан 2021 йил учун ҳар ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида қўшимча тўлов тўланган. 2022 йилда эса қўшимча тўлов умуман тўланмаган. Фуқаро бундан норози бўлиб, туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

ФАРФОНА

БАҒДОД туманида яшовчи И. Абдуллаев 2012 йилдан буён ёшга доир пенсия олиб келаётганиди. Аммо олаётган пенсиясининг миқдори уни қониқтирмасди. Шунинг учун, у Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Бағдод туман бўлимидаги ўзига тааллуқли ҳужжатларни ўрганишга киришди.



ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОВОРАГАРЧИЛИККА САБАБ БЎЛДИ

Ана шу жараёнда аён бўлдики, И. Абдуллаевнинг 1966-1979 йилларда тумандаги собиқ “Бағдод” ширкат хўжалигида ишлаган даври пенсия ҳисоблашда умумий стажга қўшилмаган, боиси ширкат хўжалигининг ўша йиллардаги ҳужжатларида унинг исми-шарифи “Абдуллаев Аҳмадхон” тарзида қайд этилган экан. Шунинг учун Ирғаш ака пенсия ишидаги муаммони бартараф этишда амалий ёрдам сўраб, Бағдод туман адлия бўлимига мурожаат қилди.

Мурожаатни ўрганиш мобайнида фуқаро И. Абдуллаевнинг ўша йилларда “Аҳмадхон Абдуллаев” деб ҳам юритилганлиги Бағдод тумани Меҳнатобод МФЙнинг 2022 йил 1 июндаги далоятномаси билан ўз тасдиғини топди. Шу боис, собиқ “Бағдод” ширкат хўжалигининг 1966-1979 йилларда Аҳмадхон Абдуллаев номига юритилган иш стажи ва иш ҳақида оид ҳужжатлари Ирғаш Абдуллаевга тегишли эканлиги фактини белгилаш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро судига ариза киритилди. Натижада суд адлия бўлимининг аризасини қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Икромжон ИСАҚОВ,
Бағдод туман адлия бўлими бошлиғи

Мурожаатни ўрганиш давомида А. Бадалов 2022 йил 12 март кун қайта тиббий кўрикдан ўтганлиги ва далоятномадан кўчирмада унга аввал қўйилган ташхис ва III гуруҳ ногиронлик даражаси тасдиқланганлиги маълум бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касаллигига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорининг 4-бандида меҳнат жароҳати учун иш бевуқинининг айбдорлигини ёки жавобгарлигини исботловчи далил бўлиши мумкин бўлган ҳужжатлардан бири фуқаро А. Бадаловнинг касб касаллиги тўғрисида тиббий хулосаси бўлишига қарамасдан, бўлим томонидан унга қўшимча тўлов тўланмаётганлиги аён бўлди.

Ўрганиш натижаларига кўра, туман адлия бўлими томонидан А. Бадаловнинг манфаатига унга касб касаллигига чалинганлик учун ҳар ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида, яъни 2022 йил учун 10 миллион 66 минг 488 сўм қўшимча устама ундириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Юқори Чирчиқ туманлараро судига даъво аризаси киритилиб, даъво қаноатлантирилди.

Мирбунёд МИРҲОМИДОВ,
Паркент туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси

“УЧАР” АВТОБУСЛАР

Йўлларда жуда кўп ҳодисалар бўлади. Автомобиль ҳайдовчилари-ку, майли, уларнинг шошма-шошарлигига кўникиб, йўлларда юрак ҳовучлаб юрадиган бўлиб қолдик. Жамоат транспорти бўлган автобус ҳайдовчиларини нима жин урди? Уларнинг ким ўзарга “пойга”лашиб юришига нима дейсиз? Нега автобус ҳайдовчиларини биров назорат қилмайди?

Ачинарлиси, агар чиптачи ёки ҳайдовчи “тушадиган борми?” деб сўраган бўлса-ю, мабодо каттиқроқ оҳангда “ха, тушаман!” ёки “бор!” деб бақирмаган бўлсангиз борми, бекатда тўхтамай ўтгач, “хой, тўхтасангиз-чи!” дейишга мажбур бўласиз. Бунисиям майли, қани шунақа пайтда чопқилаётган “пойга”чи индамай тўхтаса-да, индамай кетақолса. Бор овозида шанғиллайди чиптачи, қарзингиз бордай сизга тўнғиллайди ҳайдовчи қовоғини уйиб.

Бу ерда аслида ким хаку ким ноҳак? Тортишиб ўтиргувча, тезроқ манзилга етиб олсанг бўлди. Бу ерда беҳавотир етиб олиш деган гап ортиқча! Фақат тезроқ етиб олиш керак, муҳими шу!

Автобус ҳайдовчилари нега “пойга” ўйин ўйнашни биласизми? Чиптачи билан ҳайдовчининг одатий суҳбатига йўловчилар аллақачон кўникиб қолишган:

– Қаерга етибди?

– Автошколага!

– Босинг унда!

– Хозир-да! Эй, бўсанг-чи, тезроқ тушсада лаллаймай, ашулангни уйингда эшитсан!

Автобус салонида картошка ташиясанми, ахир булар одамлар-ку, дейдиган бирор мард йўк! Бунақа пайтда чиптачи билан ҳайдовчининг тартибга чакираман деб овера бўлманг, асабингизнинг бузилгани қолади! Синалган усул, билиб гапираяпман.

Ҳайдовчилару чиптачиларнинг ўдағайлаши жонга текканидан йўловчи маршрутларда юрай десангиз, улардаям ўзига яраша ёзилмаган “қонун”чалар бор! Масалан, охириги бекати “Чорсу” бозори бўлган, аммо бекатгача йўловчиларга тўлиб келадиған маршрутларда бир бекатгина аввал чиккандардан 1000 сўмдан кўшимча пул йиғиб олинишига нима дейсиз. Бечора йўловчилар тезроқ манзилга етиб олиш учун шунгаям рози!

Яна бир гап – бекатлардаги тартибсизликлар! Менга қолса, йўл назоратлари тирбандликлар доимий бўладиган бекатларни назорат қилгани фойдали, назаримда. Сабаби, ҳамма қондабузарлик мана шундай бекатларда бўлади.

Юқоридаги ўхшаш ҳолатларни бартараф этиш учун керакли қону-қондалар нимага янги “Йўл ҳаракати қондалари” да йўқ, хайронман!

Яна бир ҳаётий мисол – яшил чирок ҳам, светофор ҳам йўк! Фақат пиёдалар йўлаги бор! Бундай пиёдалар йўлаги шундоққина “Қўйлик” бозори яқинида бор. Машиналар тўхташ учун бекат бўлмаса ҳам йўловчи туширади. Бошқа тартиб-қонда қонуни эмас, йўловчининг талаби – қонуни! Шундай қилмай кўрсин, ўзиям, йўловчилар ҳам азоб чекади. Бундай ҳолатда ҳайдовчи пулни тезроқ олсам, йўловчи тезроқ шу машинадан тушиб қолсам эди, дейди. Бу турнақатор тирбандлик, айниқса, дам олиш кунлари янада узунлашади.

Аслида “Йўл ҳаракати қондалари” да пиёдалар йўлаги орқали йўлни кесиб ўтишининг ҳам ўз тартиб-қондалари бор. Ҳеч бир йўловчи югуртиб йўлдан ўтсин, деган гап-сўз йўк!

Яна бир ҳолатни кўриб, хайрон қолмай уманингиз йўқ. Пойтахтимизнинг Чилонзор тумани Муқимий кўчасида яқинда янги пиёдалар ўтиш йўлаги пайдо бўлди. Тўрироғи, қатта йўлнинг бир томонида пиёдалар ўтиш йўлагини кўрсатувчи белги пайдо бўлди-ю, шу белгини ўрнатган шоввозлар йўлнинг яқинки томонига белгини ўрнатганини унуттишди чоғи. Одатда, йўлнинг ўртасига чизилмаган пиёдалар ўтиш йўлагини англаувчи “зебра” чизилар бўларди. Бу жойда шу чизилар ҳам чизилмай қолиб кетган. Қачон масъуллар ишини яқунлайди, билимадиз лекин пиёдалар бу жойдан қатта йўлни кесиб ўтишга уринишмоқда. Бу ерда пиёдаларни айбалиқми, улар йўлдан ўтаётганида қондага амал қилмаётган ҳайдовчиларини?! Саволнинг жавоби йўк!



БУ сафарги мақоламинг қаҳрамонлари – турли касб эгалари, турли соҳа вакиллари бўлган ҳамюртларимиз. Уларнинг хатти-ҳаракатларини шунчаки танқид қилмоқчи эмасмиз. Асосий мақсадимиз – мулоҳаза юриштиш орқали масъулларни “уйғотиш”, газетхонларимиз орасида ҳам шунга ўхшаш ҳолатларга гувоҳ бўлаётганлар бўлса, ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиш, шу орқали биргалашиб, ҳаётимизда учраётган айрим муаммо ва камчиликларни бартараф этиш! Ўқинг ва ўзингиз мулоҳаза қилинг.



Турмуш

чизилари

АРОҚҲЎРНИНГ ОИЛАСИГА ОСОНМИ?

Пойтахтимиздаги маҳаллалардан бирида яшовчи Барно опанинг дарди оламга сиймайди. Бекат яқинидаги спиртли ичимликлар сотиладиган дўкон атрофида ичкиликка ружу қўйганлардан арз қилиб, маҳалла назоратига шикоят ҳам қилди. Лекин ахвол барибир ўнганмади.

Энг ёмони, бу дўконнинг доимий харидорлари уйига бориб эмас, шу атрофдаги бекатларга арокўрликка берилаётгани эди. Ўтган-кетганини тинч, осойишта ҳаётга бу нарсалар таъсир қилаётгани ачинарли. Айниқса, ёшлар, болаларнинг кўз ўнгида ичкилик ичиб, маст ҳолда оғзидан ади кириб, бади чиқаётган маст-аластлар болаларнинг ҳаёт ҳақидаги тасавурларини ўзгартириб юборди. Барно опа шундан хавотирда.

– Кўчага иш билан чиқканда арок сотиладиган магазинлар атрофидан набираларим билан минг хавотирда ўтман, – дейди Барно опа. – Одамларгаям хайронсан, мактабда ўқийдиган боласини дўконга чиқарадиганлар ҳам бор. Болалар нон олиб уйга қайтаётганида маст-аласт кишилардан кўриб кетишади. Шикоят қилиб ҳокимнинг қабулига ҳам кирдим. Лицензиясини олиб қўямиз, дейишди. Дўкон ёпилиб, ўрнида озик-овқат дўқони очилганида хурсанд бўлдандим. Орадан кўп ўтмай, яна арок дўқони очилди. Хозир яна шу ахвол.

Ўзини Назира опа деб таништирган аёл шундай ҳикоя қилади: – Маҳалламизда янги аёллар либослари сотиладиган дўкон очилди. Дўкон харидорга ёлчимадими, ёпилди-қолди. Орадан кўп ўтмай шу дўкон ўрнида спиртли ичимликлар дўқони очилди. Аёллар дўқондан бирорта буюм сотиб олманганим учун ҳаптасига ўзимни айбдор сезаман.

Назира опанинг виждони оғриганича бор. Кўп ҳудудларда иши юришидай қолган тадбиркорларнинг навбатдаги янги лойиҳаси спиртли ичимликлар сотиладиган дўқонларга айланмоқда. Мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида хатто бирорта китоб дўқони йўқ туманлар ҳам борлиги ачинарли. Таассуфки, ўша туманларда спиртли ичимликлар сотиладиган дўқонлар етарлича! Бу нотенгликнинг сабабини лоқайлигимиз билан изоҳласак тўғри бўладими ёки маънавий оламимизда қусурлар етарлича экани биланми, бу борада ҳар ким ўз билганича фикрлайди.

Шунга ўхшаш яна бир воқеа. Депутатлик ҳудудидидаги маҳалла раиси бир кунги кишлоқдаги аёлларнинг шикоятини айтиб, ёрдам сўради. Ўзи эркак киши, маҳалладаги биринчи рақамли шахс бўла туриб ҳам шу масалада маҳалла аёлларига ёрдам бера олмангани янада ачинарли. Аёллар эрлари уйга ичиб келаётгани жанжалларга, нотинчликка сабаб бўлаётганидан шикоят қилишган. Маҳалладаги одамларга қарзга бўлса ҳам бошқа озик-овқат маҳсулотларини бериб турадиган дўкон эгаси кейинги пайтда спиртли ичимликларни ҳам “ойликкача” насияга бериб, пул топишга ўтган. Маҳалла раиси одамларга қарзга буюм


бериб тургани учун ҳам истихоло қилиб, унинг бу хатти-ҳаракатларидан тегишли органларга шикоят қилмаган. Битта хат билан ёки маҳалла посбонининг бир оғиз оғохлангирув билан ҳал бўлиши керак бўлган муаммо очиклигича қолмоқда. Хайратланарлиси, депутатга шикоят қилаётган маҳалла раиси. Қизиқ, бу каби масалалар ҳам депутатнинг ваколатига кирадими? Шикоят шикоят, мурожаат мурожаат, албатта. Сайловчиларнинг ҳам оғзаки, ҳам ёзма мурожаатларини кўриб чиқиш, сайланган ҳудуддаги маҳаллий аҳолининг муаммоларини ўрганиш депутатнинг вазифаси, ахир. Масалани ҳал қилиш унчалик оғир бўлмади. Аммо бу каби муаммолар фақат шу ҳудудда эмаслиги кишини янада ўйлантиради. Мулоҳазага қорлайди.

Аёлларнинг қуюнганича бор. Оида боши ичиб келса, уйда ҳаловат бўладими?! Уйига келиб оғзидан арок хиди келаётган ота боласига насихат қилса, айтган гапи боланинг қулоғига кирадими? Арокўрнинг оиласига, болаларига осон деб ўйлайсизми? Аёл киши дардини ичига ютади, оилам, бола-чакам деб қунда, қунора бирор жойини кўкартиргунча дўпослайдиган умр йўлдошининг хурмача қилиқларига сабр қилади. Кўпинча эсини танимасидан отаси ичкиликка муккасида кетганлар қандай яшашини бирорта айтмайди. Дарди ичиди. Айтганда ҳам ўз отасидан шикоят қилармиди. Лекин кейинги йилларда ичкилик сабаб ўз отасини, ўз умр йўлдошини, яқин қариндошларини ўлдиршигача бораётганлар учрамоқда. Бу каби жиноятларнинг илдизи ичкилик экани ачинарли. Ичкилик сабаб содир бўлган оилавий ажримлар сони етарлича. Гулдай оиласи, фарзандларининг уволини, келажактини ўйламай, ичкиликка муккасида кетаётган оталарни ким тартибга солиди?! Бу саволга жавоб топиш жуда мушкул...

Интернетда шундай маълумотқа кўзим тушди: “Чаённинг устига бир неча томчи арок томизилса, у ақлдан озиб, ўзини ўзи қақиб ўлдиради”. Энди ўзингиз тасаввур қилаверинг, арок ичган маст одамнинг ахволини.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, саломатликка салбий таъсир қилувчи 20 та хатарли омиллардан алкоғоль истеъмоли ўлим ва ногиронликка олиб келувчи етакчи сабаблардан ҳисобланади. Уни оз-оз ёки тез-тез истеъмол қилиш сурункали оқдат тусига кириши оқибатида алкоғольизм касаллиги келиб чиқади. Юқоридаги каби ҳолатлар эса, ичкилик оқибатида инсоннинг жиноят кўчасига кириб қолишига, ҳар икки томоннинг – жарланувчининг ҳам, судланувчининг ҳам ҳаёти издан чиқишига сабаб бўлади. Шундай экан, спиртли ичимликлар таъсирга тушиб қолишдан сақланинг!

БИЗ шундай халқимиз. Ҳамма нарсани шонли саналар тақвими билан изоҳлаймиз, белгиланган қолигга солиб баҳолаймиз, ана шу қизил ёки яшил тақвимлар билан иш юритамиз ва кейин ҳисобот учун (кўзбўямачилик учун дейишга тилим бормаяпти) бажарилган ишларимиз билан кўкрак кериб мақтаниб юрамиз. Масалан, Ватан рамзлари – гербимиз, байроғимиз ва мадҳиямиз аралган кунларни фақат ўша бир кунда эслаймиз. Телевидение, радио, газеталар ва сайтларда қўша-қўша мақолалар, телелавҳалар берамиз, гуриллатиб урра-урра қиламиз. Гўёки, бошқа кунларимизда Ватандан ташқаридамиз ёки тинчлигимиз осмонидан ҳилпираётган байроғимизни ҳар кун кўрмаймизми?



Бу ҳали ҳаммаси эмас, тил – миллат руҳи деймиз. Тил байрами ақинлашганда 21 октябрь кунини арафасида тилимизни дoston қила бошлаймиз, давлат тилимизга мақтовлар ёғдирамиз. Интервьюлар, шов-шувли рекламалар бодроқдек босиб кетади ҳаммаёқни. Аслида эса тилимизни тилка-пора қилиб, қимларнингдир оёғи остига ташлаганимиздан гўёки беҳабаримиз... Доим шундай, мақтовлар олдинги планда, қамчилик ва муаммолар кадр ортида қолиб кетаверади. Гўёки, тилимиз танглаймизга ёпишиб қолгандек... Ўз она тилида гапиришга ор қиладиган, уяладиган айрим ёшларимизга эса танбех беришга журъатимиз етмайди. Оддий мисол: талаба ўғлини соғинган онаси ўз боласига телефон қилиб ўз (ўзбек) тилида гапирганда, "Мам, я попозже позвоню тебе, сейчас не могу я с друзьями мне неудобно..." деб телефонини ўчириб қўётганини эшитиб, ичимиздан нимадир узиладиган бўлади. Ўз она тилидан уяладиган ҳамюртимизнинг мўддаоси аён – кишлоқдаги онаси билан ўзбек тилида гаплашишни хоҳламайди. Эҳх...

“Устоз отангдек улуг!” деган мақолни биламизу, аммо унга амал қилишни билмаймиз

Мана ҳадемай ўша алвон календардан жой олган, азалий аънамага кўра яна бир байрам – 1 октябрь ўқитувчи ва мураббийлар кунини нишонлаймиз. Ватан, Она сўзидек азиз бўлган устоз, муаллим сўзи мактабни тугатганимизга неча йиллар бўлган бўлса-да, ҳамон бизга қадри. Қалбимизни мурғаклигимизданок илқ таассиротлар, кечиз меҳрлар билан эгаллаб олган улуг зот. Биринчи муаллимдан олган сабоқларимизни кўп эслаймиз, жажжи қўлларимиздан ушлаб харф ўргатган мунис ва меҳрибон чехраларни соғинамиз. Биз шундай халқимиз. Нега дейсизми?

Негаки, гарчи давлатимиз раҳбари томонидан ўқитувчининг мақомини ошириш юзасидан топшириқлар берилган бўлса-да, ўқитувчининг обрўсини ошириш учун бирор қаро-мат кўрсатаётганимиз йўқ. Аксинча,

унинг қадрини ерга уришга “ҳисса”-сини қўшаётганлар кўп. Ўқувчидан билим ва интизомни талаб қилган, ноқўя ҳаракатлари учун танбех берган ўқитувчини судга бериш, уни ўқувчилари ёнида беҳурмат қилиб ҳақорат қилиш, ишдан бўшатиш каби иллатлар тарбиясизларнинг кўпайи-шига хизмат қилаётганлигини қанчон-гача тан олмаймиз?

Бу билан устозларга умуман эҳтиром кўрсатилмайди, демоқчи эмасмиз. Тан оламиз, уларга аталган касб байрами арафасида бир гуруҳ устоз-мураббийлар давлат мукофот-лари билан тақдирланади. Бу кунни мамлакатимиз микёсида тантанали нишонлаш аънамага айланганлиги ҳам кўнгилга қандайдир фахр бағишлайди. Аммо юртимизнинг марказлардан олис-олис ҳудудларида ижарада туриб меҳнат қилаётган, таъбир жоиз бўлса, игна билан қудуқ қазийётган минглаб азиз ва муҳтарам устозларнинг ўйқусиз тунлари эвазига оладиган арзимаган маошидан бўлак ҳеч вақоси йўқ. Тўғри, ўқитувчиларнинг касб малакаси, сифат таркиби олий, биринчи, иккинчи тоифалар билан баҳоланади ва уларнинг тоифаларига қараб, арзимаган миқдорда ойлик маоши оширилиши мумкин. Лекин ана шу устамаларни ҳам ўқитувчилар йиллаб ололмай бузилган ҳуқуқларини тиклаб беришни сўраб, тегишли идораларга мурожаат қилишга мажбур бўлаётганлиги ҳақида газетамизнинг дярли ҳар сониде адлия бўлиmlари хабарлари ёритилаётганлиги ҳам бу ҳолатга баҳо беради. Энг ачинарлиси, қирқ йил, ҳатто эллик йил ишлаб эл-нинг фарзандига сабоқ берса ҳам, агар ўқувчиси республика олимпиадасида ўрин ололмаган бўлса мукофот пули у ёқда турсин, ҳатто “Халқ маорифи аълочиси” деган кўкрак нишони (на пули, на бирор имтиёзи йўқ) ҳам лойиқ кўрилмайдиган устозларнинг ўтган умрига нега ачинмаймиз?! Шундай вақтда ҳатто устоз ва мураббийлар кунини байрами деб белгилаб қўйилган 1 октябрь кунини ҳам на бир рағбат, на бир марҳамат кўрмайдиган ўқитувчиларнинг кадр-қиммати ҳақида нима ҳам дейиш мумкин?! Қуруқ календарда муҳрланган бу байрамнинг ўқитувчилар учун қандай аҳамияти бўлиши мумкин?! Тақдирланган беш-ўнта устозни телевизорда қўриб, концерт

томоша қилган билан кун бўйи ёшларга сабоқ бераётган, ишдан кейин тунини билан эртанги дарс учун китоб ўқийётган, конспект ёзаётган, дафтар текшираётган, ўқувчиларига янги нарсани топай деб газета-журнал варақлаётган ўқитувчиларга байрам татийди, деб ўйлайсизми? Тўғри, ватанпарварлик ҳар қандай пулдан, мукофотдан устун бўлиши мумкин. Аммо миллат тақдирига, юрт тақдирига дахлдор ҳар қандай ватанпарварлик рағбатлантирилиши керак эмасми? Буюк мутафаккир Ҳазрат Навоийнинг

“Ҳақ йўлида ким санга бир харф ўқутмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила”

деган сатрларини ёдга олиб турайлик, замондошлар!

Финляндияда ота-оналар мактаб танламайди

Анчадан бери таълим соҳасида Ўзбекистоннинг Финляндия давлати билан ҳамкорлик қилиши тўғрисида гапириляпти. Бугунги кунда Финляндия таълим тарбиясини ўрганиш бўйича идоралараро ишчи гуруҳи шакллантирилган. Бу ҳамкорлик юзасидан йўналишлар ўтказиляпти. Афсуски, семинарлар, конференциялар билан ҳамкорлик йўлга қўйилади ёки бу усул самара беради, деб ўйласак, катта хато қиламиз. Финляндия таълим тарбиясини ўрганишига эмас, уни ҳаётимизга, таълим тизимимизга татиқ қилиш ҳақида ўйлаш керак.

Оддий мисол: Финляндияда ота-оналар мактаб танламайди. Барча мактаб ўқувчиларига бир хил шарт-шароит ва таълим тизими амал қилади. Бепул таълим бу давлат таълим тизимининг ўзига хос хусусиятларидан саналади. Финляндия таълим тизими негизи: “Ҳар қандай ўқувчи юқори натижага эришиши мумкин, ҳар қандай мактаб у қаерда жойлашганидан қатъи назар сифатли таълим бериши керак” деган тамойилга асосланади. Бизда-чи, бизда?!

Бизда айни кунларда 7-синф ўзбек тили дарслигига тадбиркор Мурод Назаров ҳақида матн киритилгани-ю, унинг ҳаётини мактаб ўқувчилари нима учун ўрганиши керак деган савол атрофидега муҳокамалар, жаноб Халқ таълими вазирининг ўринбосари бунинг сабабини муаллимлардан сўраш керак, дея қулгили жавоб бергани ҳамда пулдор қурувчининг дарсликка киритилганини қўллаб-қувватловчи таниқли фигураларнинг фикрларини ўқиб, таълим тизимини “ур тўқмоқ”қа ўхшатишингиз мумкин. Ростдан ҳам “Мактаб ўқувчилари Мурод Назаров ҳаётини нега ўрганиши керак?”

Финляндия ўқитувчилари дунёнинг энг зўр ўқитувчиларидир, ўқитувчининг ўртача маоши 3 минг 500 еврони ташкил қилади ва ўқитувчи бўлиш нуфузли касблардан саналади.

Япония айнан таълим тизимини намунали йўлга қўя олгани сабаб жуда қисқа муддат ичиде дунёнинг энг ривожланган давлатлари каторидан ўрин олди. Шунингдек, “Японияда ўқитувчи ва зирининг маоши, императорнинг обрўси, депутатнинг дахлсизлиги берилган”лиги сабабли бундай юксак натижага эришганлиги борасидаги ҳақиқат ҳам аён.

Инсон қалби ўқитувчининг қўлида. Бу қўллар эҳтиромга муносиб!

Маруса ҲОСИЛОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

АДЛИЯ АРАЛАШГАЧ...

ЮРИДИК хизмат кўрсатиш марказлари ходимлари томонидан келиб тушаётган мурожаатлар ўрганилиб, ташкилотларнинг ҳуқуқий манфаатлари ишончли ҳимоя қилинмоқда.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ БЎЛИМИНИ ЭСАНКИРАТГАН СУД ҚАРОРИ



Жумладан, Бандихон туман мактаб-гача таълим бўлимининг туман адлия бўлимига ёзган мурожаатига кўра, Термиз туманлараро иқтисодий судининг 2021 йил декабрдаги қарори билан туман мактабгача таълим бўлимининг қарздорлиги мавжуд бўлма-са-да, ноқонуний равишда 1 миллиард 559 миллион 100 минг сўм ундириш белгиланган. Мазкур ҳолат ижрога қаратилган.

Мазкур мурожаат Бандихон туман адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш маркази томонидан белгиланган тартибда ўрганиб чиқилди. Мурожаат юзасидан тўпланган ҳужжатлар қонуний тўхтамага келиш учун туман прокуратурасига юборилди. Шунингдек, туман мактабгача таълим бўлимига амалий ёрдам берилиб, Иқтисодий процессуал кодекснинг 345-моддасига асосан ижро иши юритишни тўхтатиб туриш тўғрисида туман МТБ томонидан Термиз туманлараро иқтисодий судига ариза берилди.

Суд ажримига асосан Термиз туманлараро иқтисодий судининг 2021 йил 21 декабрдаги жавобгар Бандихон туман мактабгача таълим бўлиминдан даъвогар Ўзбекистон кўзи чиқариш жамияти “Термиз ўқув ишлаб чиқариш корхонаси” МЧЖга 1 миллиард 559 миллион 100 минг сўм асосий қарз ва почта харажатлари учун тўланган 21 минг 600 сўм ҳамда республика бюджети ҳамда суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига 31 миллион 182 минг сўм давлат божи ундириш ҳақидаги ҳал қилув қарори ижросини тўхтатиб туриш белгиланди. Шунингдек, туман мактабгача таълим бўлими балансида турган ва хатловга олинган “ISUZU” автобусига қўйилган тақиқ туман мажбурий ижро бюроси томонидан бекор қилинди.

Мазкур иш 2022 йил 5 сентябрь кунини қайта кўриб чиқилиб, суд қарори билан даъвогар Ўзбекистон кўзи чиқариш корхонаси” МЧЖ фойдасига жавобгар Бандихон туман мактабгача таълим бўлимининг ундирилиши белгиланган 1 миллиард 559 миллион 100 минг сўм миқдоридеги даъво рад қилинди. Бандихон туман мактабгача таълим бўлимининг ҳуқуқ ва манфаатлари тикланди.


Суннатилло АБДУРАСУЛОВ,
Сурхондарё вилоят
адлия бошқармаси бошлиғи



КАДАСТР ПАСПОРТИ ҚАЕРДАН ОЛИНАДИ?

– Уй-жойнинг кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилмаган эди. Кадастр паспортини олиш учун қаерга мурожаат қиламан?

– Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 сентябрдаги “Кадастр соҳасида айрим давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “Кўчмас мулк объектга кадастр паспортини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг Маъмурий регламенти”нинг 9–11-бандларига асосан ариза берувчи кадастр паспортини олиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этиши ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтиши мумкин. Фуқаро ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, давлат хизматлари марказлари ходими – ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса, ушбу Регламентга мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон шаклда мустақил тўлдириши, учинчи шахслар манфаати учун ҳаракат қилаётганда, сўровномага белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома илова қилиниши, сўровномага кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши зарур. ДХМ ходимлари аризачидан ушбу бандда кўрсатилмаган маълумотларни ҳамда бошқа ҳужжатларни талаб қилиши қатъиян тақиқланади. Зарур маълумотлар сўровномага киритилгандан сўнг ариза берувчи уни ўз электрон рақами имзоси билан тасдиқлаши керак.



СУВ ҚУДУҒИ ОЧИШ НОҚОНУНИЙ ЭМАСМИ?

– ФЕРМЕР хўжалигим бор, сув тақчиллиги сабабли қийинчиликлар туғилмоқда. Ўзимга алоҳида сув қудуқлари бургилаб, сув чиқаришим мумкинми?

– Ушбу жараён Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 январдаги “Ер ости сувларидан фойдаланишга оид руҳсат этувчи ҳужжатларни бериш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “Гидрогеологик хулоса бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг Маъмурий регламенти”-

нинг 7-бандига асосан амалга оширилиши қонунийдир. Мазкур Регламентга асосан ариза берувчилар гидрогеологик хулоса олиш учун давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этиши ёки давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтиши керак. Аризада маълумотлар тўлиқ тўлдирилиши шарт, маълумотларнинг тўғрилиги ва кўрсатилган ҳудуднинг аниқлиги қараб гидрогеологик хулоса аниқ бир майдон учун берилади. Ариза ЭРИ ёки бошқа воситалар (дактилоскопия ва бошқалар) орқали ҳам тасдиқланади. Регламентнинг 11-бандига кўра, хизмат кўрсатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдоридан йиғим ундирилади. Ариза тасдиқлангандан сўнг ўн дақиқада гидрогеология қорхоналарига электрон шаклда юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилингандан эса, ариза автоматик тарзда юборилади, 17-бандга асосан гидрогеология қорхоналари ариза тушгандан сўнг бир иш куни мобайнида кўрсатилган ҳудудда ер ости сувлари ҳолатини ва тегишлича қудуқ бургилашнинг мақсадга мувофиқлигини (ер ости сувлари захираларининг мавжудлиги, сув чиқариш имконияти, сифат кўрсаткичлари кабилар) дастлаб кўриб чиқади. Гидрогеологик хулосани бериш учун аризани қабул қилиш ёки рад этиш бўйича давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХПга маълумот юборилиши, аризани қабул қилиш рад этилганда, ундирилган йиғим ариза берувчига давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали тўлиқ қайтарилиши, ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланишдан бош торгандан эса унинг аризаси кўриб чиқилмасдан қолдирилади ва тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.



ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

– Турмуш қурганимизга 10 йил бўлди. Лекин фарзандимиз йўқ. Турмуш ўртоғим билан келишган ҳолда фарзанд олмақчимиз. Қаерга мурожаат қилишимиз керак?

– Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган қоидаларнинг 63–71-бандларига асосан фарзандликка олиш ҳақида ўзгартришлар киритиш суднинг ҳал қилув қарори асосида туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини қайд этган ФХДЁ органда, фарзандликка олинган боланинг туғилган жойи ўзгартрилганда эса – фарзандликка олувчилар доимий яшайдиган ёки вақтинча турайдиган жойдаги ФХДЁ органи томонидан амалга оширилади. Шунингдек, фарзандликка олишни сир сақлаш мақсадида фарзандликка олиш учун ҳужжатлар фарзандликка олувчиларнинг вакиллари томонидан, қонунчиликда белгиланган тартибда ФХДЁ органига тақдим этилиши мумкин. Боланинг отаси бўлмаган тақдирда, она ёлғиз она сифатида туғилишни расмийлаштири-

ши, туғилганлик ҳақида гувоҳнома олиши ва онанинг боладан воз кечганлиги ҳақида нотариал тартибда тасдиқланган рад хати олиниши керак.

Шунингдек, Оила кодексининг 151, 154, 157, 159-моддалари асосида фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг аризасига кўра, васийлик ва ҳоимийлик органларининг фарзандликка олишнинг асослиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги хулосаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан амалга оширилади. Бола бошқа оила томонидан фарзандликка олинганда шу оиланинг ўз фарзандлари каби бир хил ҳуқуққа эга бўлади.



УКАМ ЯШАЙДИГАН УЙГА МЕРОСХҲҮР БҮЛА ОЛАМАНМИ?

– Ота-онамиздан мерос қолган уйдан меросхўр сифатида улуш олишим мумкинми? Лекин ҳозир шу уйда укам оиласи билан яшайди. Укам яшайдиган уйга мен ҳам меросхўр бўла оламанми?

– Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги “Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 11-15-бандлари асосида ДХМ орқали ота ёки онанинг номига эгаллик ҳуқуқи олиниб, кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилган бўлса, Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 4 январда 3113-сон билан рўйхатга олинган Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Йўриқноманинг 104-126, 145-бандларига асосан мерос олиш, Фуқаролик кодексининг 502-511-моддалари асосида эса, уй ҳада қилиб берилиши ҳам мумкин. Лекин Фуқаролик кодексининг 225-моддасига кўра, агар биргаликдаги мулк иштирокчилари ўртасидаги келишув билан бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, улар умумий мулкка биргаллашиб эгаллик қилишлари ва ундан фойдаланишлари мумкин. Биргаликдаги мулк бўлган мол-мулк барча иштирокчиларнинг розилиги тараф бун билан боғлиқ битим уни тузган иштирокчилардан қайси бири томонидан тузилаётган бўлишидан қатъи назар, бундай розилик талаб қилиниши, биргаликдаги мулк иштирокчиларидан бири тузган умумий мол-мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ битим уни тузган иштирокчилар зарур воқолатлари йўқлиги сабабли, битимдаги иккинчи тараф бун билан билиши лозим бўлганлиги исботланган тақдирдагина, қолган иштирокчиларнинг талабига мувофиқ ҳақиқий эмас деб топиллиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда фуқаролик судига ёзма равишда мурожаат қилиниши мумкин.



Саволларга “Мадад” ННТ Қуваёй шахар ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси **Гулчеҳра ИБРАГИМОВА** жавоб берди



ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН УЙГА СОЛИҚ СОЛИШ МУМКИНМИ?

– Уйимнинг кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилмаган. Сабаби, уйимизнинг қурилиши тугалланмаган. Лекин солиқ бир неча баробар ундирилмоқда. Қурилиши тугалланмаган уй-жойни ҳам рўйхатга қўйиш мумкинми?

– Уй-жойнинг кадастр ҳужжатларини тайёрлаш ва давлат рўйхатига олиш Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 сентябрдаги “Кадастр соҳасида айрим давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “Кўчмас мулк объектга кадастр паспортини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг Маъмурий регламенти”га асосан амалга оширилади. Мазкур регламентнинг 2-бандига асосан кўчмас мулк объектини кадастр ҳисобига олиш ва кадастр йиғмажилдини шакллантириш натижасида кўчмас мулк объекти бўйича электрон шаклда кадастр паспортини расмийлаштирилади. Регламентнинг 3-бандига асосан қурилиши тугалланмаган объектларга ҳам кадастр паспортини шакллантирилиши мумкин. 9–23-бандларда эса, ариза берувчи кадастр паспортини олиш учун давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этиши ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтиши кераклиги белгиланган. Мазкур тартибга кўра, уйингизнинг тегишли ҳужжатларини қонуний тартибда расмийлаштириб олишингиз мумкин.

“КИНФИР ишнинг қийғи қирқ йилда билинади”, дейди доно халқимиз. Элнинг назарида бўлган одам шайтон йўлдан уриб, адашмиш ҳам ҳар қанча усталик билан яширилмасан, охир-оқибат ошкор бўларкан. Имомнинг хайрия пулларини ўзлаштириб юборганини аввалига биров сезмаган бўлса ҳам, вақти келиб унинг бу жинойи қилмиши ошкор бўлди.

Эҳсон пулларининг ҳам ҲИСОБИ БОР

Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг навбатдаги очик суд мажлиси бўлиб ўтди. Унда судланувчи (исм-шарифлари ўзгартирилди) Р.Қўшшаевнинг апелляция тартибидagi шикоятни кўриб чиқилди. Р.Қўшшаевга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддаларига кўра 2 йил муддатга диний муассасаларда ишлаш ҳуқуқидан ва 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Судланувчи Р.Қўшшаев 2013 йил 13 июлдан Жиззах шаҳар “Обод” номи маҳалла ҳудудида жойлашган “Имом Бухорий” жоме масжиди имом хатиби вази фасида бинойидек ишлаб келаётган эди. Аммо, нафс деган бало уни йўлдан урди, иш жараёнида ўзига ишониб топширилган мол-мулкни ўзлаштириш даражасига бориб етди.

У 1998 йил 23 июнда тасдиқланган “Имом Бухорий” масжиди Устағига ҳамда Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг 2021 йил 19 январдаги “Масжидларда нақд пул маблағлари айланмасини олдини олиш ҳамда эҳсон қутиларида фойдаланишни тартибга солиш ҳусусида”ги 01А/08-сонли буйруқ талабларига риоя қилмай қўйди. Натijaда А.Бурхонов томонидан масжид учун хайрия

қилинган, яъни, масжидни қайтадан қуриш ишларини бошлаш учун берилган 190 миллион сўм хайрия пули масжид ҳисоб рақамига қирим қилинмади.

Бели оғрамай топган пулларининг мазаси уни яна жиноят сари етаклади. Энди у “Bahor plastics” МЧЖ раҳбарияти томонидан хайрия қилинган 30 миллион сўмлик қир ювиш қуқуқларидан тушган пулларни масжид ҳисоб рақамига қирим қилишни хаёлига ҳам келтирмади. Қинғир ишнинг қийғи қирқ кунга ҳам қолмай чиқишини, оғзининг танооини қочирган бу пуллар кейин бошига бало бўлишини ўйлаб ҳам ўтирмади.

Р.Қўшшаев Ж.Қосимов билан анчадан буён таниш эди. Уни ҳам масжид қурилиши учун моддий ёрдам беришга кўндирган имом хатиб осонгина 5 минг АКШ долларини қўлга киритди. Бу пуллар ҳам масжид ҳисоб рақамига қирим қилинмади, унинг нафси йўлида “қурбон” бўлди.

Дўппи тор келиб, суд қурсисига ўтиришга мажбур бўлган судланувчи Р.Қўшшаев ўз шикоятда биринчи инстанция суди ишни бир томонлама қўриб чиққанлигини, оилавий аҳволин, қарамонда вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олиб, ишни адолатли қўриб чиқишни сўради. Шунингдек, у мажмур масжидда тўққиз йилдан буён меҳнат

қилишини, масжидга қўп меҳнати сингганини, унга қўйилган айбловга тўлиқ иқдор эмаслигини билдирди. Ўз қилмишларини турли ваҳлар билан хаспўшлаб, сувдан қуруқ чиқишга уринди. Масалан, масжидни қайтадан қуриш учун эҳсон қилинган пулларни Ж.Қосимовдан олғач, коммунал тўловлар, ойлик маошлар ва бошқа “керакли юмушлар” учун ишлаганини айтиб, турли баҳоналарни рўқач қилиб, ўзини оқлашга уринди.

Химоячи А.Абдуқодиров ҳам ўз шикоятда Р.Қўшшаевнинг ўзганинг мулкни ўзлаштирилганини тасдиқловчи далил ва исботлар мавжуд эмаслигини, унга нисбатан тергов органи томонидан қўйилган айбдор ўз исботини топмаганлиги сабабли оқлов ҳукми чиқаришни сўради.

Судланувчи Р.Қўшшаевнинг суд ҳукмида қўрсатилган жиноятни содир қилганликдаги айби суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчилар ва гувоҳларнинг қўрсатувлари, жиноят ишидаги Ўзбекистон мусулмонлар идораси Жиззах вилояти вакили М.Жабборов ва жабрланувчи А.Бурхановларнинг Р.Қўшшаевга чора қўриш хақидаги аризалари, тушунтириш хатлари, жабрланувчи Ж.Қосимов ва А.Бурхановларнинг тақдим қилган СМС ёзишмаларидан нусхалар, жиноят ишида тулланган далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топди.

Биринчи инстанция суди далиллар ва асосларга таяниб, унинг жинойи характерини Жиноят кодексининг 167-моддаси 4-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинганлиги тўғрисида қонуний тўхтамага келди.

Юридикаларга кўра, апелляция инстанцияси суди суд ҳукмини ўзгартириш, апелляция шикоятини қаноатлантириш, сиз қолдиришни лозим топди.

Ғиёсиддин ЯЛҒАШЕВ,
жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар суди раиси

БОШ ҚОМУСИМИЗНИНГ 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини воғга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбур эканликларни қайд этилган. Аммо эйни пайтда айрим ота-оналар тирикчилик ташвишларини сабаб қилиб, фарзандларини ўз ҳолига ташлаб қўймоқда. Афсуски, бу каби ҳолатлар бугунги кунимизнинг энг оғриқли нуқталаридан бири.

АЁЛНИНГ ОНАЛИК ҲУҚУҚИ ТИКЛАНДИ

Хоразмлик Н.Боратова (исм-шарифлари ўзгартирилган) ҳам турмуш қийинчиликлари, уй-рўзгор ташвишларини ўз зиммасига олди. Шу боис фарзандларини қайнонасига ташлаб, ногирон эри Д.Эрматов билан Тошкентга ишлагани келди. “Ногирон бўлса ҳам эрим ёнимда бўлини, аёл бошим билан шаҳарда ёлғиз юрсам, гап-сўзларга қолиб кетаман”, деб ўйлагани аёл. Шаҳарга келиб иш топди, меҳнат қилиб, фарзандларининг таъминоти учун қайнонасига пул ҳам жўнатди. Қолаверса, кизи ва ўғли билан ҳар кун телефон орқали гаплашиб турди.

Бир кун неғадир Дурбекнинг уйига кетгиси келиб қолди. Бинобарин, у хотинини шаҳарда қолдириб, ўзи қилшоққа қайтди. Дадасининг келганини қўриб, болажонлар жуда қувонишди. Аммо уларнинг бу қувончи узокка чўзилмади. Негаки, Д.Эрматов хотинига бир оғиз хабар ҳам бермай, 7 ёшли Мафтуна ва 6 ёшли Камронбекни “Меҳрибонлик уйи”га олиб бориб топширди. Фарзандларини жойлаштириш учун эса “Хотиним Россияга ишлагани кетиб, болажонлар қаровисиз қолдириб, ўзим ногиронлигим боис фарзандларимни боқа олмаيمان”, дея баҳона-ю сабаб қўрсатди.

Шундан кейин Насиба фарзандлари билан телефонда гаплаша олмади. Бунинг учун хўжайини ҳар хил баҳоналарни ўйлаб топарди. Натijaда кўнглига турли хил шубҳа ва гумон оралаган онаизор тезда уйига қайтди. Мафтуна ва Камронбекнинг уйда йўқлигини қўриб, хайрон бўлди. Дурбекнинг “Болаларни меҳрибонлик уйига топширдим” дея совуққонлик билан берган жавобидан фйғони фалакка чикди. Жанжал қилди, бироқ бейфойда эди. Фарзандларини қўриш учун “Меҳрибонлик уйи”га борди. Шунда “Ойижон, бизни олиб кетинг” дея йиғлашди. Лексин суд қарорини шунчаки ўзгартириб бўлмади.

Буни карантки, фарзандларини меҳрибонлик уйидан қайтариб олиш учун адвокат ёллаган Н.Боратовани яна бир шумҳабар кутиб турарди. Яъни, адвокат унинг оналик ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилинганлигини аниқлади. Сабаби яна ўша – Россияга ишлаганга кетиб, қайтиб келмагани ва болаларини ногирон эри билан қаровисиз қолдиргани учун.

Адвокат Н.Боратованинг Россияга эмас, Тошкентга ишлаш учун турмуш ўртоғи билан бирга боргани, ўзининг ҳулк-атворини, турмуш тарзини, бола

тарбиясига бўлган муносабатини ўзгартирилгани асос қилиб, Н.Боратованинг оналик ҳуқуқини тиклаш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Богот туманлараро судига даъво ариза киритди. Суд даъво аризада қайд этилган барча ҳолатлар ва тақдим қилинган ҳужжатларни батафсил ўрганиб чикди.

Бундан ташқари, суд мажлисида Турроққалъа туман ҳокимининг Болаларни химоя қилиш шубҳаси мудирини даъвога олиб, даъвогар Н.Боратованинг турар жойи бўйича ўрганиш ўтказилгани, болаларнинг яшashi учун барча шарт-шароитлар мавжудлиги, уларни ота-онасининг бағрига қайтариш лозимлигини тасдиқлаб, даъвога қаноатлантиришни сўради. Хива шаҳар 2-сон оилавий болалар уйи ишончли вакили М.Машарипова ҳам ўзининг тушунтиришида Н.Боратова фарзандларидан тез-тез хабар олиб туришини, Мафтуна ва Камронбек онасини яхши қўришини, шу кунга қадар даъвогар Н.Боратовани даъвогарнинг ҳолатлар кузатилмаганлигини, шу сабабли аёлнинг оналик ҳуқуқини тиклаш мақсадга мувофиқлигини баён қилди.

Оила қолдасининг 82-моддасига кўра, ота-она (улардан бири) ўз ҳулк-атворини, турмуш тарзини ва (ёки) бола тарбиясига бўлган муносабатини ўзгартирган ҳолатда ота-оналик ҳуқуқи тикланиши мумкин. Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг (улардан бирининг) даъво-сига биноан суд тартибда амалга оширилади. Ана шу асосларга таянган суд Н.Боратованинг оналик ҳуқуқини тиклаш юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилди.

Руслан АТАЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Богот туманлараро суди судьяси

ШУ ЙИЛ 23 март куни Тошкент шаҳар ИИББ жиноят қидирув бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда Миробод туманида жойлашган клиник қорхонаси офисининг йўлгада сақланаётган ов қуроли ҳолислар иштирокида олинди. Ов қуроли мазкур қорхона ҳайдовчиси Х.Қ.га тегишли бўлиб, ҳоқонуний сақлаб келганлиги маълум бўлди.



Суд-баллистика экспертизаси ҳулосасига кўра, “Иж-18” русумли ов милтиғи отиш учун яроқли ва жанговар ҳолатда экан.

– У пайтлари мен ёш эдим, – деди судда судланувчи Х.Қ. – Отам овчилик билан шугулланар эди. Ўша вақтлари милтиқ уйимизда турарди. Кейин эса қойиб бўлди. Уч ой олдин уйини йиғиштиратганимда тахмоннинг тағида бир нарсга турган экан. Чанг босган ёлғончи очиб қўрсам милтиқ борм экан. Кейин ўша милтиқни топшириш ёки номизга расмийлаштириш мақсалини сўраш учун ишхонага олиб келгандим. Милтиқни бирор шахсга сотиш ёки топшириш мақсадим бўлмаган. Оқибатини ўйламайман.

Суд давлат айбловисининг ҳулосасини, судланувчининг қўрсатувларини эшитиб, Х.Қ.ни тегишли рухсатномасиз ўқотар қуролини сақлашда ифодаланган жиноятни содир этганликда айбдор деб топди. Унга икки йил муддатга озодликни қечлаш жазоси тайинланди.

Энди бир ўйлаб қўрайлик. Ўқотар қурол бегона шахс қўлига тушса нима бўларди? Агар ўша ов милтиғи отилса оқибати қандай яқун топарди? Ов қуроли ўйинчоқ эмаслигини унутмаслигимиз керак.

Рустамжон РАҲМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди судьяси

Toshkent viloyati adliya boshqarmasining 2022-yil 29-avgustdagi 195-um-sonli buyrug'iga asosan "Perfect Defence" advokatlik byurosi advokati: Abidov Muzaffar Abdullayevichga Toshkent shahar adliya boshqarmasi tomonidan 2018-yil 18-dekabrda berilgan advokatlik faoliyati bilan shug'ullanish huquqini beruvchi TS №000008 raqamli litsenziya va advokatlik maqomi Nurafshon tumanlararo ma'muriy sudining 2022-yil 6-iyuldagi hal qiluv qaroriga asosan 1 oy muddatga to'xtatildi.

"Advokatura to'g'risida"gi qonun, Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 24-sentabrdagi 807-son qarori bilan tasdiqlangan Advokatlik guvohnomasini berish tartibi to'g'risidagi nizom hamda Vazirlar Mahkamasining 2009-yil 9-martdagi 60-son qarori bilan tasdiqlangan Advokatlik faoliyatini litsenziyalash to'g'risidagi nizomga asosan quyidagi advokatlik advokatlik faoliyati bilan shug'ullanish huquqini beruvchi litsenziyaning amal qilishi va advokatlik maqomi tugatildi.

1.	KASIMOVA AKIDA AXRAROVNA	22.01.2019-yil, TN 000923	19.08.2022-yil, 324-um-son
2.	RAHXMANOV MAXMUD URINBAJEVICH	25.01.2019-yil, TN 001146	19.08.2022-yil, 324-um-son
3.	SAFAROVA SHOIRA SAFAROVNA	8.02.2019-yil, TS 000326	14.09.2022-yil, 354-um-son

Nurafshon tumanlararo ma'muriy sudining 2022-yil 28-iyuldagi hal qiluv qaroriga asosan "GLOBAL IDEAL PROTECTION" advokatlik byurosi advokati Karimjonov Yaxyo Otdiljonovichga Toshkent viloyati adliya boshqarmasi tomonidan 2018-yil 21-dekabrda berilgan TS №000191 raqamli advokatlik faoliyati bilan shug'ullanish huquqini beruvchi litsenziyasi va advokatlik maqomi adliya boshqarmasining 2022-yil 30-avgustdagi 200-um-sonli buyrug'iga asosan tugatildi.

Инсон ва ҚОНУН
МУАССИСА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
"Адолат" миллий ҳуқуқий
ахборот маркази
info@adolatmarkazi.uz

Бош муҳаррир
В.В.Б
Ербек ИСКАНДАРОВА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Икромов Музафр Мубаракходжаевич
Тожиев Фурият Шомуродович
Юлдашева Шохидохон Руфатовна
Бахронов Шерзод Холмуродович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Наврбатчи
Гулбахор Ортиққўжаева
Саҳифаловчи-
дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида "Business print" ҳуқуқий қорхонаси босмаҳонасида chop этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Сўғалли ота, 5а-уй
Тиражи – 3140
Буғирта – 340

МАНЗИЛИМИЗ:
100 115, Тошкент ш.
Чилонзор қўчаси-29.
Факс: (0371) 277-02-97
Обуна бўлими: 277-02-57
Баҳоси қилмишларини марҳза



Низо туфайли қози Шурайх ҳузурга боришади. Қози Халифанинг сўзларига шубҳа қилмаслиги, бироқ исбот тариқасида икки гувоҳ кўрсатилиши кераклигини айтади. Шунда Халифа Қанбар исмли инсон ва ўзининг ўғли Ҳасан гувоҳлик беришини билдиради.

– Ўғилнинг отага гувоҳлиги ўтмайди, – дейди қози.

– Сен жаннат аҳлидан бўлган кимсанинг гувоҳлигига ишонмайсанми? Расулulloҳ (с.а.в.) Ҳасан ва Ҳусайннинг жаннат аҳли йигитлари сайид-

лари эканини айтган.

– Эшитганман. Аммо, боланинг отага гувоҳлиги ўтмайди, – дейди қози қатъий.

– Халифа зиммийга қараб совутни олишини айтади. Ҳолатдан таъсирланган зиммий:

“Лекин, мен ўзим бу совут сизники эканига гувоҳлик бераман. Халифа ўз қозиси ҳузурда ҳақ-ҳуқуқ талашди. Қози Халифага қарши ҳукм чиқарди. Мен бу дин ҳақ эканига ишонаман. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад унинг расулидир.

ХАЛИФА Али ибн Абу Толиб (р.а.) қимматбаҳо совутини йўқотиб қўйди. Қўфа бозорини айланиб юрганида уни бир зиммийнинг қўлида кўрди. Халифа совут уники эканини, зиммий эса совут унинг қўлида турганини, бермаслигини айтади.

Оқилнинг қарори

Эй, қози жаноблари, совут ростдан ҳам амирул-мўминниқидир. Мен уни йўлда топиб олгандим”, – дея иймон келтирди ва даъвоси йўқлигини айтади.

Шунда халифа: “Сен мусулмон бўлдинг. Совут сенга совға. Мана бу отни ҳам қўшиб бераман. Олақол!” – дейди.

Қозилик (ҳозирги кунда судьялик) жуда масъулиятли иш. Ким бўлишдан, қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар низода бошқалар билан тенг ҳуқуқлидир. Судья чиқарган ҳар бир ҳукм, қарор учун жавоб беради...

ХАЛҚИМИЗ билимдон, кўпни кўрган, зиёли инсонларга нисбатан “қўзи очик одам” деган пурмаъно иборани қўллайдди. Ушбу ҳикматда “қўзи очик” рэмзий маънода келтириб ўтилган. Аслида, бу – қалбининг қўзи очик бўлган инсонларга ишорадир. Инсон қалбининг қўзи фақат илм орқали очилади. Илм эса, ўқиш, изланиш натижасида вужудга келади.

Илм – саодат, илмсизлик жоҳилликни келтириб чиқаради



Бу воқеа ўтган асрнинг 80-йилларида содир бўлган. Эри урушдан қайтмаган кекса аёл комбинатдан нон ўғирлагани учун суд қилинаёпти. У айбини тан олиб, нафақасиз яшаётганини, бу ишни оч қолганидан содир этганини айтаяпти.

Судья унга:

– Сиз ўғирлик қилганингизни тан олиб турибсиз. Мен сизга 20 сўм жарима соламан ва бу пул сизда йўқлигини биламан. Шунинг учун ўрнингизга уни ўзим тўлайман, – деди ва чўнтагидан 20 сўм чиқариб, жарима сифатида давлат хазинасига ўтказди.

Суд залида сукунат ҳукмрон.

Бироздан кейин судья суд иштирокчиларига қарата шундай деди:

– Ҳаммангизга 15 сўмдан, участка ноziри ва маҳалла раисига 20 сўмдан жарима соламан. Чунки сиз яшаётган шаҳарда нон ўғирлашга мажбур бўлган фақир яшайпти ва бунга қисман бўлса-да, сизлар ҳам жавобгарсизлар!

Одил судья

Шу тариқа 185 сўм пул йиғилди ва судья уни кекса аёлга берди.

Бу судья тажрибали инсон эди. Унинг қарори ҳаммага таъсир қилди. Маҳалла раиси ва участка ноziри боқувчисини йўқотган аёлга нафақа тайинла-нишида кўмаклашиб, уни тўғри йўлга бошлади...

У шундай дер эди: “Қаерда одамлар қорнини тўйдириш учун ўғирлик қилса, демак, у ерда адолат тарозиси бузилган бўлади. Давлат хизмати ходимлари ночор одамларни топиб, рўйхатга олиб, уларга қонунда белгиланган нафақа билан таъминлаб қўйиши зарур. Шунда мамлакат ривожланади ва халқ бой бўлади”.


ТОШКЕНТЛИК Муҳаммад Юнус Тоиб шаръий Қози – мусулмон давлатларида ҳукмдор томонидан тайинланадиган, шариат асосида суд вазифасини бажарувчи, судья шаръий маҳкама раиси.




Биз билган ва билмаган ҚОЗИЛАР

Ўрта Осиё хонликлари даврида қозилар ҳозирги суд, прокурор, нотариус вазифаларини бажарганлар, яъни фикҳ (шариат қонунлари) асосида фуқаролик ишлари, жиноий ишларни кўриб чиққанлар, ҳар қандай битим, шартнома, васиятномаларни тасдиқлаганлар.

Тарихимизда муҳим тутадиган қозилар кўп-кўп учрайди. Жумладан, Тўрқистон жадидларининг йўлбошчиси, ўзбек миллий театрининг асосчиси, маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудий дастлаб Самарқанд шаҳри қозиси бўлган.



АЛЛОҲ таоло ҳаммани бир хил қилиб яратмаган. Барчага бирдай ризқ беравермайди ҳам. Беш қўл баробар эмас. Халқ: “Бировни кўриб, фикр қил, бировни кўриб, шукр қил!” – дейди. Бу – ўта ҳаётий бир донишмандона ҳикмат.



Навоийнинг “Улки ифлосдин...” дея бошланадиган қитъаси ҳам – моҳиятан шу мазмунда. Шоир унга: “Фалокатдин аёғига кавш бўлмаганга чун кавш учун аёғи бор шукр вожибдур”, – дея насрий сарлавҳа қўяди. Бу: “Ифлос нарсалар устидан ўтаётганида оёғида кавуши бўлмаган киши кавуш учун оёғи борлигига шукр қилиши лозим”, деган маънони беради:

Улки, ифлосдин аёғинга
Кавш йўли азми чоғи йўқтур онинг,
Шукр қилдик доқиб бирав сори, –
Ҳи юрурга аёғи йўқтур онинг.

Шукр одамни сабр қилишга ундайди. Халқ билиб айтган: “Сабрнинг таги – сариқ олтин”.

Адолатли ечим

ҲАЗРАТИ Умар розияллоху анху Амр ибн Ос розияллоху анхуну Мисрга ҳоким қилиб жўнаётган пайтларида ўрталарида шундай сўхбат бўлиб ўтди:

– Агар олдинга ўғри келса, нима қиласан?!

– Унинг қўлини кесаман!

– Агар менинг олдимга қорни оч келса, сенинг қўлингни кесаман!!!